

# ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

*Илмий-услубий мақолалар  
тўплами*



## СЎЗЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ ХУСУСИДА

Р.Шукуров, И.Хабибжонов\*\* – Қўқон ДПИ

Сўз вариантларининг янги маъноларини фарқлашга интилиш туфайли кўплаб сўзлар юзага келади ва тан олинади (лугатларга киритилади). Аммо ҳали тан олинмаган, лугатларга кирмаган жуда кўп фарқланиши лозим бўлган сўзлар бор, масалан: курт – курут, тобланмок – товланмок, сузмок – юзмок, илик – и.к, асил – асл каби.

Кишиларнинг турли (фарқли) маъноларни ифодалаш учун сўз вариантларидан фойдаланишга интилишлари туфайли кўплаб сўз вариантлари алоҳида сўзларга айланиб кетган ва бу ҳол норматив лугатларда қайд этилиши билан тан олинган. Масалан, озарбайжон тилида (сўзлашув тилида) географик термин харита маъносидаги атлас сўзидан фарқли равишда ипақдан тўқилган мато атлаз деб талаффуз қилинса ҳам, у 50-йилларгача тан олинмас эди, шунинг учун ҳам 1940 йилда Бокуда нашр этилган русча-озарбайжонча лугатда улар фақат бир шаклда (атлас шаклида) омоним қилиб берилган – омонимлик белгиси сифатида 1-атлас бош бўғинида, 2-атлас сўнги бўғинида ургу белгиси берилган. Лекин, 1975 йили босилган имло лугатида улар икки шаклда – талаффузидаги фарқи асосида атлаз (парча) – атлас (харита) деб қайд этилган. Ўзбек тилида бу сўзлар талаффузи ургу билан фарқ қилинади деб фараз қилинади, баъзи лугатларда (масалан, ўзбек тилининг изоҳли лугатида) бу фарқ мато маъносидаги сўзнинг охириги бўғинига, харита маъносидаги сўзнинг биринчи бўғинига ургу белгисини қўйиш билан кўрсатилган. Амалда эса (сўзлашув тилида) улар одатда фарқ қилинмайди. Шунинг учун ҳам 1976 йилги имло лугатида бирор фарқсиз атлас – атлас шаклидаги омоним тарзида берилган.

Татар тили лугатларида (масалан, татарча-русча лугатда. М., 1966) ўзбекча ҳозир сўзининг татарча ҳазер шакли русча «сейчас» маъносида, бу сўзнинг азер ва «готовый» маъносида қўлланилиши қайд этилган. С.Н.Муратов бошқирд тилида ўзбекча ҳисоб сўзининг бошқирдча шакли ҳисаб «учет», исаб варианты эса «счет» маъносида қўлланишини кўрсатган<sup>1</sup>.

Турлича талаффуз қилинадиган сўз вариантларининг бир-биридан фарқли турли маънолардаги алоҳида сўзларга айланиб кетишига мисоллар рус тилида кўплаб учрайди. Масалан: ступень – зина, нарвон кабиларнинг ҳар бир поғонаси, пояси ёки босқичи; босқич – степень – даража; свет – ёруғлик, дунё; цвет – гул, ранг; голова – бош, глава – бошлик, боб; немисча Kopf – бош, Haupt – бошлик, боб; колесо – гилдирак; колсо – ҳалқа, узук.

Сўзларни фарқлашда кўпинча кенг ва тор унлилардан фойдаланиш (храпеть – хуррак отмок, хрипеть – хирилламок каби) ёки сўз охиридаги юмшатиш белгисини тушириб (каттиқрок) талаффуз қилиш ҳоллари кўзга ташланади: цепь – занжир, кишан, цеп – занжирли тўкмок (қўлда бугдой янчишда ишлатиладиган асбоб).

<sup>1</sup> Журн. «Русская речь». М., 1970, №2. С.117.

Кузатиш «деҳқон» маъносидаги «христьянин сўзи «христиан динидаги киши» маъносидаги христианин, голова сўзи глава сўзидан келиб чиққанини, чунки, глава сўзи қадимийроқ эканини кўрсатади. Шунингдек, овладать сўзи владеть сўзидан келиб чиққан. Подваль сўзи подполье сўзидан келиб чиққан, яъни глава, владеть, подполье сўзлари асосий вариант бўлган деб айтиш мумкин. «Уй остига қурилган ертўласимон хона» маъносидаги подвал сўзидан олдин бу маънода подполье сўзи қўлланилганига қуйидаги мисол далил бўла олади: *Дочка, прыгни в подполье, подбери картошки, да хрушкой, некогда с мелкой возиться!*

Русча лугатларга қараб «чўпон» ва «ибодат раҳбари – рухоний» маъносидаги пастыр сўзини немис тилига лотин тилидан ўтган пастор сўзидан келиб чиққан деб билиш мумкин. Пастыр сўзининг русча пастух ва пасти сўзларига алоқадорлигини ҳисобга олганда, пастор сўзи пастыр сўзидан келиб чиққан деб ўйлаш ҳам мумкин. Роль ва руль сўзлари бир сўзнинг икки варианты бўлса-да, улар кейинча рус тилида фарқ қила бошлаганини, яъни роль сўзи асосан артист ижро этадиган роль ҳамда «роль ўйнамоқ – муайян аҳамиятга эга бўлмоқ» маъносидаги ишлаш каби ибораларда, руль сўзи эса фақат бошқариш рули маъносида ишлатиладиган бўлиб қолганини кўриш мумкин. Рус тилида фақат туб сўзларгина эмас, балки аффиксал сўзларини ҳам фарқлаб, алоҳида лексик маъноларни ифодалаш ҳодисасига ҳам бир мунча мисоллар учрайди. Масалан, рус тилининг 60-йилларгача тузилган лугатларида, чунончи, 4 томли изохли лугатида рекордист ва рекордсмен сўзлари фарқ қилинмас эди, яъни «рекордсмен то же, что рекордист» дейилар эди. Бу сўзларда лексик дифференциация юз берганлиги дастлаб С.И.Ожеговнинг 1973 йилда босилган лугатида қайд этилди: Рекордист – Домашнее животное, которое в отношении каких-нибудь своих качеств обладает рекордными показателями. Рекордсмен – Спортсмен, установивший рекорд. Кишиларнинг турли нарсаларни, кўпинча, янги тушунчани эскирдан фарқлаб аташда сўз вариантларидан фойдаланишлари туфайли ўзбек тилида янги сўзларнинг пайдо бўлган, дейиш мумкин. Кузатиш кўрсатадики, туб, ясама, ҳатто мураккаб ва қўшма сўзлар ҳам фақат шаклан эмас, балки маъно жиҳатдан ҳам аста-секин ўзгара бориб, алоҳида сўзларга айланиб кетиши мумкин.

Айтиш мумкиндир, алоҳида сўзларнинг қўшма сўзларга айланиши ҳам мумкин.